ХАЛҚ БОЙ БЎЛСА, ДАВЛАТ ҲАМ БОЙ ВА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

# Иқтисодий Газета

37-38 (ИҚ)-СОН. 2019 йил 13 декабрь. Жума.





## АБИТУРИЕНТЛАР ПУЛИ НИМАЛАРГА САРФЛАНГАН?

6 саҳифа | ТАҲЛИЛ

## 91 МИНГДАН ОРТИҚ ТУРИСТЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ ҲАЛ ЭТИЛДИ

2 саҳифа | ИСЛОҲОТ

# ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг жорий йилда кутилаётган натижаларини кўриб чиқиш ва 2020 йилда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш вазифаларини белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди.

**2020 ЙИЛДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ 5,5 ФОИЗГА, САНОАТ 6,5, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ 4 ВА ХИЗМАТЛАР 5,7 ФОИЗГА ЎСАДИ**

**31 та лойиҳа бўйича қолоқликка йўл қўйилган, 8 та ҳудудий лойиҳа самарасиз деб топилган**

## «СУЮНЧИ ПУЛИ» УЧУН СОЛИҚ ТЎЛАМАЙСИЗ

Аслида амалдаги қонун ҳужжатларида "суюнчи пули" деган тушунча мавжуд эмас. Аммо бу бола туғилганда давлат томонидан бериладиган бир марталик нафақанинг халқ орасида кенг тарқалган номидир.

6-саҳифа

## КЎЗИ ЁНАЁТГАН ФЕРМЕРЛАР, ҚАЙДАСИЗ?

Жиззах шаҳридаги «Ёшлар инновацион маркази»да Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Германия Жамғарма кассалари фонди ҳамкорлигида «Ёш фермерлар инновацион маркази» очилди.

4-саҳифа

2181-8467

### Валюталар курси

- 1 АҚШ доллари 9537.55
- 1 ЕВРО 10545.67
- 1 Россия рубли 149.88
- 1 Англия фунт стерлинги 12027.57
- 1 Япония иенаси 87.83
- 1 Жанубий Корея вони 8.05
- 1 Кувайт динори 31446.96
- 1 Хитой юани 1353.77
- 1 Сингапур доллари 7010.84

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 10 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади.
* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ХУСУСИДА



Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар даврида юзага келаётган талаблар статистика соҳасини, жумладан, Миллий ҳисоблар тизимини ривожлантириш, уни халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мослаштиришни ҳам тақазо этяпти.

Маълумки, миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) – бу халқаро методологик стандарт бўлиб, у ёки бу мамлакат иқтисодиётини ифодаловчи ҳисоблар ва жадвалларнинг муайян тўплами шаклида тузилади, шунингдек, ўзаро боғлиқ бўлган статистик кўрсаткичлар тизимини ўзида акс эттиради. МҲТ макроиқтисодий ҳисоблар ва кўрсаткичларни шакллантиришга оид халқаро даражада келишилган ва мувофиқлаштирилган тушунчалар, таърифлар, таснифлар ҳамда қоидаларни ўз ичига олади. Шу ўринда мазкур стандарт БМТ, Европа комиссияси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, ХВФ ҳамда Жаҳон банки гуруҳи томонидан ишлаб чиқилиб, бозор иқтисодиётига асосланган барча давлатларда қўллаш учун тавсия этилганини таъкидлаш жоиз.

Давоми 3-бетда

## ҚАШҚАДАРЁДА

16 та тижорат банкининг 59 та филиали, 99 та минибанки томонидан мижозларга хизмат кўрсатилмоқда

2 с.

## 9 ТА ВИЛОЯТГА 5,1 ТРЛН. СЎМ АЖРАТИЛАДИ

4 с.



«Иқтисодий Газета» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Ўзбекистон темир йўллари»да тарқатилади

# ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ХУСУСИДА

*(Бошланиши 1-бетда)*

Бугунги кунда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи миллий даромад (ЯМД), аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ каби МҲТнинг асосий кўрсаткичларидан мамлакатнинг иқтисодий ҳолати ва фаровонлигини ифодаловчи индикатор сифатида ҳам фойдаланилади.

МҲТнинг ривожланиш босқичларига эътибор қаратсак, у жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши билан ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб бораётганини кўрамиз. Ҳозирги кунда МҲТни жорий этган мамлакатларнинг 4 таси – «МҲТ-1968», 99 таси – «МҲТ-1993», 86 таси эса – «МҲТ-2008» халқаро стандартини миллий статистика амалиётида қўллашга ўтган.

Ўзбекистон миллий ҳисобчилиги ҳам «МҲТ–1993» халқаро стандартига асосланган бўлиб, Давлат статистика қўмитаси томонидан МҲТнинг барча жорий ҳисоблари (ишлаб чиқариш ҳисоби, даромадларнинг шаклланиши ҳисоби, бирламчи даромадларнинг тақсимланиши ҳисоби, даромадларнинг иккиламчи тақсимланиши ҳисоби, даромадлардан фойдаланиш ҳисоби) шакллантирилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, ҳар йили МҲТ билан узвий боғлиқ бўлган «Ресурслар ва фойдаланиш», «Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадваллари, «Туризм ёрдамчи ҳисоблари» сингари асосий фондлар баланси ҳам шакллантирилмоқда.

Мамлакатимизда МҲТнинг марказий кўрсаткичи ҳисобланган ЯИМ ҳисоб-китоблари икки усул асосида, яъни ишлаб чиқариш ва харажатлар усулида амалга оширилади. Ушбу усуллар асосида ҳисобланадиган ЯИМ кўрсаткичи йиллик ва чораклик даврийликда ҳамда жорий ва таққослама нархларда шакллантирилади. Халқаро амалиётда мавжуд бўлган ЯИМни ҳисоблашнинг учинчи усули – даромадлар усули ҳам фаолиятимизда қўлланилади ва йиллик даврийликда МҲТнинг «Даромадларнинг шаклланиши ҳисоби»ни тузиш доирасида амалга оширилади.

Ҳаракатлар стратегиясининг «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ, Давлат статистика қўмитасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Миллий ҳисоблар замонавий тизимини жорий этиш, ялпи ички маҳсулот ҳисоб-китобларини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни ўз ичига олувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган эди.

Шу мақсадда, Давлат статистика қўмитаси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги 691-сон қарори билан қабул қилинди. Мазкур қарор билан «Ўзбекистон Республикасида иқтисодий статистикани янада такомиллаштириш ва миллий ҳисоблар замонавий тизимини жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар комплекси» ҳам тасдиқланди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ва якуний истеъмол усулларидаги ЯИМ кўрсаткичи бўйича қайта ҳисоблаб чиқилган маълумотлар динамик қаторлар кўринишида Халқаро валюта фондининг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатиш умумий тизими доирасида Ўзбекистоннинг йиғма маълумотлар миллий саҳифасига (www.nsdp.stat.uz) жойлаштирилди.

МҲТ талабларидан келиб чиққан ҳолда, давлат статистика кузатувлари шакллари ва уй хўжаликлари кузатувлари сўровномаларини такомиллаштириш ишлари ҳам олиб борилди. Жумладан, 2020 йил учун 15 та давлат статистика кузатувлари шакли ва сўровномаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, жорий йил Қўмита томонидан халқаро стандартларга, жумладан, «МҲТ-2008» талабларига мос келувчи 32 та услубий низом ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ҳамда 5 та услубий низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2019 йил давомида Миллий ҳисоблар статистикасини такомиллаштириш масалалари бўйича маслаҳат ва техник кўмак кўрсатиш юзасидан эса учта халқаро ташкилот билан ҳамкорлик ўрнатилди. Жумладан, жорий йил январь ойида Осиё тараққиёт банкининг «Салоҳият ва билимларни ошириш (KSTA) 9356-REG (Ривожланиш учун маълумотлар)» номли техник кўмак лойиҳаси доирасида тренинг ташкил этилди, март ойида ХВФнинг миллий ҳисоблар статистикаси бўйича техник кўмак миссияси амалга оширилди, октябрь ойида эса МДҲ Статистика қўмитаси экспертлари билан Ўзбекистоннинг Халқаро таққослашлар дастури (ХТД)даги иштирокини таъминлаш бўйича учрашувлар уюштирилди.

Таъкидлаш жоизки, ХТД дунёнинг деярли барча давлатлари статистика идораларини бирлаштирувчи йирик халқаро дастур бўлиб, ушбу ҳужжат ялпи ички маҳсулот ва унинг таркибий қисмларини халқаро ва мамлакатлараро таққослаш учун миллий валюталарнинг харид қобилияти паритетини ҳисоблашни назарда тутади.

Дастур ташаббускорлари БМТ ва Жаҳон банки бўлиб, одатда у ҳар 3-5 йилда бир маротаба ўтказилади. Ушбу йирик тадбирни мувофиқлаштириш ва бошқариш учун дунё мамлакатлари минтақалар бўйича гуруҳланади. Дастурнинг халқаро даражада мувофиқлаштирувчиси – Жаҳон банки, МДҲ ҳудудида – МДҲ Давлатлараро статистика қўмитаси ҳисобланади.

Ўз навбатида, валюталарнинг харид қобилияти паритетини ҳисоблаш жараёнлари миллий статистика идоралари томонидан халқаро мувофиқлаштирувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган йирик ҳажмдаги тадбирларни ўз ичига олади. Ушбу тадбирлар 2500 дан ортиқ товар ва хизматлар нархини мамлакатлараро таққослаш мақсадида уларнинг рўйхатини шакллантириш ва келишиб олиш, нархлар даражасини кузатиш (рўйхатга олиш), текшириш ва давлатлараро таққослаш, шунингдек, халқаро классификациялар асосида якуний истеъмол усулида ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичини 200 га яқин таркибий қисмларга ажратган ҳолда ҳисоблаш ва валютанинг харид қобилияти паритетини ҳисоблаш ва ЯИМни таққослаш ишларидан иборат.

Дастурда кўзда тутилган ишларни тўла бажариш учун одатда 3 йил талаб этилади ва бу вақт «таққослашлар цикли» деб номланади.

Ўзбекистон бугунга қадар ХТД циклларида тўлақонли иштирок этмаган кам сонли мамлакатлар сирасига киради. Шу билан бирга, ХТДнинг 2020 йил маълумотлари асосида бўлиб ўтадиган навбатдаги циклида мамлакатимизнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун Давлат статистика қўмитаси томонидан кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

Амалга оширилган яна бир муҳим тадбир – бу Жаҳон банкининг халқаро экспертлари ёрдамида Статистикани ривожлантириш бўйича Миллий стратегия лойиҳасининг ишлаб чиқилиши бўлди. Ҳозирги кунда мазкур лойиҳани такомиллаштириш юзасидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Миллий стратегияни амалга ошириш натижасида эса миллий статистикани институционал ва тузилмавий жиҳатдан ривожлантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини халқаро ахборот ресурсларида тўлиқ акс эттириш, Ўзбекистоннинг турли халқаро рейтинглардаги ўрнини мустаҳкамлаш, шунингдек, Жаҳон банкининг статистика фаолияти самарадорлиги индексида Ўзбекистоннинг юқори поғоналарга кўтарилишига замин яратилади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, Миллий ҳисоблар тизимини ривожлантириш мураккаб жараён бўлиб, ўрта ва узоқ муддатли тадбирларни ўз ичига олади ва одатда ушбу тадбирлар, статистикани ривожлантириш стратегияси доирасида, статистиканинг бошқа йўналишлари (статистика инфраструктураси, классификациялар, регистрлар, статистик кузатувлар, рўйхатга олишлар, илмий тадқиқотлар, кадрлар салоҳияти, ахборот-технологиялари ва в.б.) билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилади.

> **2019 ЙИЛ ДАВОМИДА**
> Миллий ҳисоблар статистикасини такомиллаштириш масалалари бўйича маслаҳат ва техник кўмак кўрсатиш юзасидан эса учта халқаро ташкилот билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик орқали ЯИМ ҳажмига, таркиби ва ўсиш суръатларига таъсир кўрсатувчи «МҲТ-2008» халқаро стандартининг янги қоидалари ҳам амалиётга жорий этилади.

МҲТ талаблари асосида давлат статистика кузатувлари шакллари ва уй хўжаликлари кузатувлари сўровномалари такомиллаштирилади, ишлаб чиқариш ва харажатлар усуллари бўйича ЯИМнинг чораклик ва йиллик ҳисоб-китобларини деталлаштирилган ҳолда юритиш йўлга қўйилади.

Бундан ташқари чораклик миллий ҳисоб кўрсаткичларини шакллантиришда дискрет ёндашув, шунингдек, дискрет чораклар бўйича ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичларининг таҳлилий аҳамиятини ошириш мақсадида мавсумий тўғрилаш усулларига ўтилади.

ЯИМни доимий нархларда ҳисоблаш услубиёти ҳам такомиллаштирилиб, базис йилининг ўртача нархларида ҳисоблаш ва икки маротабали дефляция қилиш усуллари қўлланилади.

Ўз навбатида, МҲТ кўрсаткичларини шакллантирувчи ташкилотлар зарур бўлган классификациялар тизими, жумладан, иқтисодиёт секторлари бўйича институционал бирликлар классификацияси, активлар классификацияси, мақсадлар бўйича харажатлар классификацияси («COICOP», «COFOG») ва бошқа халқаро статистик классификациялар жорий этилади.

Мамлакатда макроиқтисодий статистикани шакллантирув ташкилотчилар (Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк ва бошқалар) ўртасида маълумотлар алмашинуви жараёнини кенгайтириш, миллий ҳисоблар статистикасини тузиш учун ахборот ресурсларини шакллантириш масалалари бўйича идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, МҲТ маълумотларининг бошқа макроиқтисодий статистика тизимлари (тўлов баланси ва давлат молияси статистикаси) билан мувофиқлиги таъминланади.

Юқорида қайд этилган асосий йўналишлар бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш натижасида Миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичларининг сифати тубдан яхшиланади. Бу эса ўз навбатида миллий иқтисодиётимизни статистик кўрсаткичларда кенг тавсифлаш, макроиқтисодий ҳисоб-китобларнинг халқаро стандартларига ўтиш орқали статистик кўрсаткичларнинг халқаро таққослаш даражасини ошириш, таҳлил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиёти тўғрисидаги кўрсаткичларнинг хорижий инвесторлар учун очиқ, шаффоф ва тушунарли бўлиши, мамлакатимиз инвестициявий муҳити ва халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш каби ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

**Азиз МАМИРОВ,**
**Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи,**
**Анвар ТУЛЯГАНОВ,**
**Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари**